**Мурожаатни ўрганиш юзасидан**
**ДАЛОЛАТНОМА**

**« 27 » август 2021 йил Тўрткўл тумани**

**Мурожаатнинг виртуал тизимдаги рақами:** 425-рр/21 санаси: 27.08. 2021 й.

Фуқаро Ф.И.О: Ҳамраева Дилфуза
туғилган сана, йили: мурожаатда кўрсатилмаган
сектор №
маҳалла:
манзили: Н.Қурбанбаев 99
иш жойи (ижтимоий ҳолати): 18-сонли ИДУМ
телефон: йўқ
**Мурожаат мазмуни:**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.М. Мирзиёев
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўрткўл туман 18-сон ИДУМ
нинг жисмоний тарбия
ўқитувчиси Ҳамраева Дилфуза
17 йил иш стажга эгаман.

Шикоят хат.

Ассалому алейкум ҳурматли президентимиз Шавкат Миромонович сизни қиммат вақтингизни олганим учун узр сўрайман, яна сизга мурожат қилишимга мажбурман.

1 Мен 21 октябрь куни шикоят хатимда мактабимизни ачинарли аҳволини Ўзбекистон 24 телеканалидан келиб тасвирга олишди. Мен куз ва қишга ўқиш йилига тайёр эмаслиги, ҳақида хаттоки мактабимизда тоза ичимлик сув йўқлиги ва бошқалар ҳақида интервью бердим. Шундан кейин мени жисмоний тарбия ўқитувчилигидан бўшатиб ташлашди. Д.Атаджановнинг жавоб хатида ўзимича мен ўрта махсус бўлганлигинг учун ишдан бўшатилган сен деб ёзган. Майли мен ўрта махсус бўлсам хозирги кунда мактабимизда 10 дан ортиқ ўрта махсус дипломига эга бўлган ўқитувчилар ишлаб келмоқда. Қонун ҳаммага баробар эмасми, нима учун улар ишлашадию, мени ишдан бўшатиб ташлашади.

бунга битта аниқ исботи мен интерь
берганлигим учун.
2. Д. Атаджанов жавоб хатида менга 0,5 ставка
фаррошлик берилганини ҳамда директор
Исмаилова С укудан ташқари 0,5 ставка
қўшиб беришини таклиф қилгани, лекин у
рад қилган деб ёлғон сўзлар билан жавоб
хат ёзган. Тўрткўл туман халқ таълими
мудири Д Атаджанов ҳаттоки жавоб хати-
да мен нечанги йил менга келганим ва неча-
нчи йилдан буён ишлаб келаётганимни ҳам
тўғри ёзмаган, фақатгина фаррош
бўлиб ишлаган деб ёзиб қўйишибди. Мен юба-
раит бўлиб ҳам ишлаганман, беруний педаго-
гика коллежни ўз мутахассислигим бўйича
жисмоний тарбия дипломига эга бўлиб
ишлаб келмоқда эдим.
3. Сентябрь ойида дарсларни тақсимлаганда
мактабимиз жисмоний тарбия ўқитувчилари
Искандаров Б, Карриев Р, Уамиев Ж лар бош-
ланғич синфлардан жисмоний тарбия
9 соат дарс берилди. Жисмоний тарбия
ўқитувчилари сиз ҳам бизлардан ҳам
ишлаб юрганинг йўқ, мусобақаларда
ўқувчиларинг ўринлар олиб келиш
янти.

л бизлар ҳам 20 соатдан кам ўқит-
мк ҳам хеч гап бўлмас аёл жисмоний
тарбия ўқитувчи ҳам керак деб 9 соат
дарс беришди.
Бу инсонлар ўз хатларида ёлғон гап-
ларни ёзиб сизни ишонтирмоқчи бўлиш-
япти. бу инсонларнинг мақсади ўз ама-
лини суйистеъмол қилган ҳолда мени ва-
менга ўхшаган инсонларни сизга бўлган
ишончини йўқотиш учун ва давлатимиз-
га бўлган ишончни йўқотиб бизларни
ҳам хурматли президентимиз Шавкат
Миромонович сизни ҳам ёлғон жавоб-
хатлар ёзиб алдаб келмоқдалар. Мен бу
амалпараст, мансабдор шахсларни шу
қилаётган ишларини ўйлаб кўриб бу ин-
сонларни ватанимиз душманлари деб
ўйлайман. Нима учун қонунга қоғозбоз-
лик бўлади, бу қонуний ишлар бўйича
Тошкент шаҳридан текширувчилар юбо-
ришингизни илтимос қиламан. мактабимиз
директори Исмаилова С ўзига янги касб қилиб
2 ойдан буён ишчиларни ўрнини алмаш-
тириб ишлаб юрган одамларни ишдан бў-
шатиб, ўрнига ўз таниш билишларини
ишга олаяпти бу ҳам ўзига яраша бизнес
мана аниқ исботи.
4. Қурбанова Гулбахор 36 йилдан буён макта-
бимизда котиба бўлиб ишлаб келмоқда
эди, уни ҳам ўрта махсус деб ишдан

бўшатиб ўрнига, Олий маълумотли ки-
бламиз, шундай деб юқоридан буйруқ келди
деб мендан бўшатиб ташлашди, лекин уни
ўрнига мактабимизда лаборант бўлиб иш-
лаб келаётган Атаджанова Раънони котиба
қилиб ишга жойлади, у ҳам ўрта махсусқу?
з. Садикова Раънони директор хузурида ўз
ҳамтавоқларини чақириб директор ўрин
босари қилиб тайинлади, уни ҳам шулат
масдан бошланғич синфларга Завуч қилиб
ишга тайинлаган, унинг ўрнига Отаниязов
Ойбекни директор ўринбосари қилиб ишга олди.
Туўртқўл туман Ҳалқ таълимида юқори
лавозимда ишлайдиган Эгамбердиева Назира
нинг қудаси Содиқова Мухаббатни ўрта
махсус деб ишдан бўшатдию, орадан
ҳафта ўтмас лобарант қилиб ишга олди.
ди. Эл таъбири билан айтганда (элик жон)
Кимнинг таниш билиши кўп бўлса, юқори
лавозимда ишласа, пули кўп бўлса улар
дарҳол шу билан таъминлашади. Мен интер-
вью берганим учун ҳалқ таълими мудири
Д. Атаджанов, ҳамда мактаб директори
Исмаилова С тил бириктириб ишдан бў-
шатиб ташлашди. Шу интервьюдан кейин
октябрь ойи охирларида мактабимизда
таъмирлаш ишлари бошланди. Бу таъмир
лаш ишларига 1 млрд сўмдан ортиқ
маблағ ажратилган, шунга қарамас-
дан, ҳалқ таълими мудири Д. Атаджанов

мактаб директори Исмаилова С ишларига ажратилган маблағларни талон тарож қилиб, мактабимиз таъмирлаш ишлари чала аҳволда бўлган лекин мактабимиз таъмирдан тўлиқ ўтди деб қабул қилинди. Бу инсонлар ўз амалини суиистеъмол қилган ҳолда чўнтакларини пулга тўлдириш учун таъмирлаш ишларини чала қолдиришган. Бу инсонларни қонун олдида, жиноий жавобгарликка тортишингизни сўрайман. Ва мени ўз мутахассислигим бўйича бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишга қайтишимга ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Ҳурмат билан

Ҳамраева Д. [signature]

4.01.2021 й.

---

**Мурожаатни** ўрганган ташкилот ва маъсул ходим лавозими, телефони:Туман халқ таълими бўлими юрисконсульт Каримов Қахраман 998993772307

**Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси:**

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 14 январдаги №11 - сонли буйруғи асосида Тўрткўл тумани ХТБ га қарашли 18-сонли ИДУМда 2021 йил 15 январ куни ўтказилган текшириш натижаси тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Тўрткўл тумани Н.Курбанбаев кўчаси 99-уй яшовчи фукаро Д.Хамраева Ўзбекистон Республикаси Президенти почтаси оркали йўллаган ёзма мурожаатини ўрганиб чикиш натижасида куйидагилар аникланди:

Тўрткўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-ИДУМ 1967-йилда қурилган бўлиб, мактаб қуввати 624 ўринга мўлжалланган, ҳозирги вактда 1040 нафар ўқувчи таълим тарбия олмоқда. Мактаб директори Исмаилова Сохиба Абдуганиевна 2017-йил 27-май куни ушбу лавозимга тайинланган. Мактабда жами 69 нафар ўқитувчи бўлиб, шундан 57 нафари олий маълумотли, 12 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни ташкил қилади. Мактаб инглиз тили, математика, она тили фанларига ихтисослаштирилган. Мактабда 3 нафар олий тоифали, 10 нафар биринчи тоифали, 14 нафари иккинчи тоифали, 42 нафари мутахассис лавозимига эга.

Тўрткўл тумани 18-ИДУМнинг ҳозирги пайтда тоза ичимлик суви йўқлиги аниқланди, мактаб директори С.Исмаилова юқори ташкилотларга билдиришномалар берилган. (Билдиришнома *илова қилинади*)

Хамраева Дилфуза Султанбаевна 2010-йил Беруний педагогика коллежини бошланғич синфларда жисмоний тарбия ташкилотчиси, мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ташкилотчиси ихтисослиги берилган бўлиб, ихтисослиги тўғри келмаганлиги сабабли бу ходимга жимоний тарбия фани бўйича дарс соати бериш мумкин эмас. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 24-июл кунги 620-сонли қарорнинг 7-боб 45-банд 3-қисми, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2019-йил 7-декабр кунги 393-сонли буйруққа асосан*) ( *дипломи илова қилинади*)

. Мактабдаги ўрта махсус маълумотли ходимларнинг диплом бўйича мутахассислигига ўқитувчи ихтисослиги берилган.(*диплом нусхалари илова қилинади*)

Аризада кўрсатилган жисмоний тарбия ўқитувчилари Б.Искандаров касаллиги сабабли ишга келмаган, Р.Карриев ўз аризасига 15 кунлик меҳнат таътилига чикарилган, Ж.Уалиев олий маълумотли, олий тоифали ўқитувчи 20 ўқув соат билан таъминланган.

Мактабнинг олдинги котибаси Қурбанова Гулбахор пенсияга чиққанлиги сабабли ўз аризасига кўра 2020-йил 28-август куни 73-сонли буйрук асосида меҳнат шартномаси бекор қилинган. (*аризаси илова қилинади*) Унинг ўрнига олий маълумотли мутахассис Байбулов Ахмет Рисбекович 2020-йил 2-сентябр куни 75/1-сонли буйруқ асосида кадр бўйича менежер қилиб ишга қабул қилинган. Байбулов Ахмет Рисбекович ўз аризасига кўра 2020-йил 7-октябр куни 84-сонли буйрук асосида меҳнат шартномаси бекор қилинган. (*ариза ва буйруқлар илова қилинади*) Шу Мактабнинг кимё-биология лаборанти ўрта махсус маълумотга эга

Атаджанова Раъно Раззаковна 2020-йил 8-октябр куни 85-сонли буйрук асосида лавозимига ўтказилган. (*буйруқлари илова қилинади*)

Бир йиллик шартнома асосида ишлаб юрган ўрта махсус маълумотли Садикова Мухаббат Рахимовна 2020-йил 9-октябр куни Тўрткул тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 2020-йил 9-октябрдаги йўлланма асосида мактабга 0,5 ставка лаборант лавозимига мактаб директори томонидан 87/1-сонли буйрук асосида ишга қабул килинган. (*йўлланмаси илова қилинади*)

Тўрткул тумани халк таълими бўлими 2020-йил 2-сентябр кунги 193/24-сонли буйруқ асосида О.Атаниязов Тўрткул тумани 18-ИДУМга (0,5 ставка) маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланган. (*буйруқ илова қилинади*)

Тўрткул тумани 18-сонли ИДУМ биносини жорий таъмирлаш учун 2020-йил 16-июнь куни "Тўрткул Бегзод Транс" МЧЖ билан 8-сонли пудрат шартномаси асосида 699 334 467 (*олти юз тўқсон тўққиз миллион уч юз ўттиз тўрт минг тўрт юз олтмиш етти*) сўм ажратилган. 2020-йил 27-ноябр куни 16.06.2020 йилдаги 8-сонли шартномага асосан қўшимча бажариладиган иш учун қўшимча келишув 10-сонли шартнома тузилиб, 69463479 (*олтмиш тўққиз миллион тўрт юз олтмиш уч минг тўрт юз етмиш тўққиз*) сўм ажратилган. Таъмир ишлари якунланган. (*8-сонли пудрат шартномаси ва 10-қўшимча келишув шартномаси ва бино расмлари илова қилинади*)

**Беруний тумани халқ таълими бўлими испектор-методисти** Б.Юлдашев

**Тўрткул тумани ХТБ юрист-консультанти** Қ.Каримов

**Тўрткул тумани халқ таълими бўлими бош испектор-методисти** Н.Латипов

**Беруний тумани 35-ИДУМ ЎТИБДЎ** С.Исмаилов

**Беруний тумани 8-сонли мактаб ЎТИБДЎ** А.Мамбетов

**Ташкилот раҳбари: Д.Атаджанов**

**Маъсул ходим: К.Каримов**

**МФЙ раиси:**

имзо ва ФИО

**Мурожаат муаллифининг муносабати:**

**Мурожаат эгаси мактабда ўқитувчилик лавозими қайта тиклаб беришини сўраган.**

муаллиф имзоси,Ф.И.О